

**ШАХСЛАР ОРАСИДА ЎЗИГА ЗАРАР ЕТКАЗУВЧИ ХУЛҚ-АТВОРНИНГ
АЙРИМ КЎРИНИШЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛИШИДА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ**

Исмоилов Ойбек

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Психология йўналиши 2-курс магистранти,
i.oybek1991@mail.ru тел.: +998998045048*

Тўланбоев Сирожиддин

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Психология йўналиши 2-курс магистранти,
sirojiddiloi@mail.ru тел.: +998977688779*

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ОАВлари, медиа ва айниқса интернет сайтларидаги суицид ҳақидаги хабарлар аҳоли орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг ортиши омили сифатида кўриб чиқилади. Ўзбекистонда охириги йилларда миллий интернет (ахборот) сайтларидаги суицид ҳақидаги хабарлар таҳлил қилинади, шунингдек, аҳоли орасида ўз жонига қасд қилишининг олдини олишга қаратилган концептуал таклифлар келтирилади.

Калим сўзлар: *Хулқ-атвор, ахборот, интернет, инсон.*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы влияния информационных и новостных сообщений в СМИ и Интернет сайтах о суициде как фактора роста числа суицидальных случаев среди населения. Проведен анализ информационных сообщений, размещенных за последние годы на национальных Интернет (информационных) сайтах Узбекистана, приведены предложения, направленные на предотвращение суицидальных случаев среди населения.

Ключевые слова: *поведение, информация, интернет, человек.*

ABSTRACT

This article examines the influence of information and news reports in the media and Internet sites on suicide as a factor in the growth of the number of suicidal cases among the population. The analysis of information messages posted in recent years on the national Internet (information) sites of Uzbekistan is carried out, proposals are made aimed at preventing suicidal cases among the population.

Keywords: *behavior, information, internet, person.*

Ҳозирги замон жамиятида оммавий ахборот воситалари инсонларнинг эътиқодлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатишда муҳим рол ўйнайди, шунингдек, уларнинг ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатади. ОАВ да суицидлар ҳақидаги хабарлар суицидал хавфи бор ёш ёки ижтимоий жиҳатидан ўхшаш гуруҳларда тақлидий ўз жонига қасд қилишларни чақириши мумкин. Бу ҳолат “Юқиш эффекти” ёки “Вертер синдроми” деб аталади. Бундай номланишига сабаб – Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” номли асаридан кейин қайд қилинган суицидлар тўлқини бўлган. Шундан сўнг Европанинг турли мамлакатларида Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” номли асарини чоп этиш тақиқланган ҳолатлар мавжуд.

ОАВ мутахассислари учун мўлжалланган “Ўз жонига қасд қилиш первенцияси” номли қўлланмада “Заиф инсонни ўз жонига қасд қилишига туртки бўлувчи жуда кўп омиллар қаторида суицид ҳолатларининг оммавий – ахборот воситаларида кенг ёритилиши бўлиши мумкин” [1], - деб таъкидланади. ОАВ мутахассислари учун айнан шу мавзудаги қўлланмалар кўпгина мамлакатларда мавжуд (АҚШ, Австралия, Австрия, Янги Зеландия, Канада, Германия, Япония, Швейцария). Австрия ва Швейцарияда ўтказилган тадқиқотлар берилган кўрсатмаларга амал қилиш, аҳоли қатламлари орасида суицидларнинг пасайишига олиб келиши исботлаган.

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб “Вертер синдроми” газета ва телевидениядаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ҳақидаги репортажлар, турли филм ва телесериаллар қаҳрамонларининг суицидал хатти-ҳаракатлари суицидал фаолликка таъсир кўрсатиш даражаси тизимли тадқиқ қилинган.

Шунингдек, сўз юритилаётган масаламиз юзасидан ёрқин мисол сифатида, Мерилин Монро суицидидан кейин кўпгина америкалик ёш аёллар ўз жонига қасд қилганлар. 1994 йилда машҳур “НИРВАНА” гуруҳининг солисти Курт Кобейннинг ўз жонига қасд қилишидан кейин ёшлар орасида бир қатор ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кузатилган. АҚШ, Австрия, Германия, Венгрия, Австралия, Япония каби давлатларида ўтказилган тадқиқотларда бирор суицид актларини ОАВ да ёритиш характери ва мунтазамлиги ва уларни аҳолининг “мақсадли” гуруҳларида такрорланиши ўртасида корреляцияси мавжудлиги статистик кўрсатилган. Тадқиқот муаллифлари матбуотда ёритилиши натижасида суицид ҳолатларининг кўпайиши механизмларини аниқлаганлар. Кластрели (ОАВ билан боғлиқ тақлидий) суицидларнинг асословчи механизми суицидент шахси билан ўзини идентификация қилиш ҳисобланади [7].

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, 2018 йил давомида Ўзбекистондаги миллий ОАВ (интернет сайтлари)да 40 дан ортиқ (ундан ҳам ортиқ бўлиши эҳтимол) суицид тўғрисидаги хабарлар тарқатилган ва уларнинг аксарияти ўзида суицидни у ёки бу турини демонстрация қилувчи расмларни намойиш этган. Масалан суицид тўғрисида тарқатилган хабарларга энг кўпи қарийб 40 % га яқини (ҳар 3 тадан 1 таси) ўзини осийш ҳолатини демонстрация қилувчи расмларни, қарийб 65 % га яқини (ҳар 3 тадан 2 таси) ўзини осийш ва бошқа (дори ичиш, юқоридан ўзини ташлаш) суицид усулларини демонстрация қилувчи расмлар илова қилинган. Айтиш жоизки, 2019-2021 йилларда ҳам миллий ОАВ (интернет сайтлари)да ҳам суицид тўғрисидаги хабарлар суицидни у ёки бу турини демонстрация қилувчи расмлар билан чоп этилгани кузатилишида давом этди. Бундан ташқари ёзма оммабоп нашрларда ҳам суицид элементларини нашр этиш ва демонстрация қилиш масаласи ўрганиб чиқилиши ҳамда тартибга солинишини вазият тақозо этмоқда.

Бугунги кунда телевидение орқали намойиш этилаётган сериаллар ва кинофилмларда ҳам суицид элементлари намойиш этилаётгани учраб турибди. Албатта бу саҳналар уни кўраётган, психологик жиҳатдан нозик, импульсив шахсларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши этимоли юқоридир.

Юқоридаги мулоҳазалар миллий ОАВ сифатида фаолият юритаётган интернет сайтлар ва албатта телевидения учун суицид саҳналарини намойиш этмаслик ва бу феномен ҳақида ёзиш ёки ёзмаслик, уни ёритиш ёки ёритмаслик бўйича аниқ тартибларни жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Айтиб ўтилганларни инобатга олиб, ўз жонига қасд қилиш, айниқса вояга етмаганлар орасида ўзига ва ўзгаларга зарар етказиш ҳодисалари тўғрисидаги хабарларни ОАВ да баён қилиш, шу каби саҳналарни намойиш этиш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва унга риоя қилинишини қатъий назорат қилиш керак. Буни “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (ЎРҚ-444-сон 08.09.2017) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни доирасида амалга ошириш мумкин.

Жаҳонда суицидга олиб келувчи 800 дан ортиқ муаммолар қайд қилинган. Ўзбекистонда аҳоли ўртасида суицид ҳолатлари олимлар (Ғ.Шомаров, В.Каримова, Б.Умаров ва бошқалар) томонидан ўрганилганда, муаммонинг илдизлари генетик, табиий-экологик муҳит, ижтимоий-иқтисодий, тиббий, сўнгра психологик ва педагогик омилларга боғлиқ эканлиги аниқланган.

Мисол учун, сабаб ва омиллардан бири, инсон организмида яшовчи паразитлар (гижжа) нафақат инсоннинг тан сихатлиги балки психологик саломатлигига ҳам жиддий таъсир этар экан. Мичиган университети олимлари (Лени Брундин бошчилигида) инсон организмидаги паразитлар миядаги ўзгаришларга сабаб бўлиб, шахсни ўзини ўлдиришга ундаши мумкинлигини аниқлашди. 10-20% Америкаликларнинг (2009-йилги статистикага кўра) организмида “токсоплазма” паразитлари мавжуд бўлиб, улар беозор ва пассив деб саналган. Лекин изланишлар паразитлар яллиғланишларни юзага келтириб, вақт ўтиши билан бу жараён мия хужайраларини зарарлайди“ дейилади тадқиқот натижаларида. Олимларнинг фикрича, паразитлар мавжуд организм, ўз эгасида нисбатан кўпроқ ўзини ўлдириш фикрини юзага келтирар экан [13].

Айтиш жоизки, юқоридаги биргина омилдан келиб чиқиб, илмий жиҳатдан суицид феномени тиббиёт, тор йўналишда эса психиатрия соҳасининг муаммоси ҳисобланади. Мазкур соҳадаги халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаги, бугунги кунда вояга етмаганлар ўртасида суицид ҳолатларини профилактика қилиш бўйича аниқ инструментарий мавжуд эмас ва бутун дунё миқёсида рақамлар ўсишда давом этмоқда. Фақат турли тажрибалар мавжуд ҳолос.

Кўшни Қозоғистон Республикасида ўтган 2016-2018 йиллар давомида Италия тажрибаси асосида суицид профилактикасига қаратилган ишларни соғлиқни сақлаш тизими орқали амалга ошириб келмоқда ва ижобий ўзгаришлар мавжуд бўлиб бу 2018 йил 17-18 январь кунлари Қозоғистон Республикасининг Алмата шаҳрида “Болалар ва ўсмирларнинг психик саломатлигини мустаҳкамлаш” мавзусида бўлиб ўтган биринчи халқаро конференциясида эълон қилинди. Халқаро тажрибага кўра суицид муаммоси тиббиёт (тор соҳа бўйича психиатрия)нинг муаммосидир.

Хулоса сифатида айтишимиз ўринлики, бугунги кунда шахслар орасида суицидларнинг юзага келишида оммавий ахборот воситаларининг таъсири мавжуд, шу билан бирган аҳоли орасида инсоннинг психологик саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича тегишли билим-кўникмалар ҳам етарли эмас. Суицид муаммоси тиббиёт ва психология фанларининг умумий муаммоси сифатида қаралиб, муаммога биргаликдаги ечимни таклиф этиш йўналишида чуқур ўрганишлар олиб борилиши заруратдир. Шунингдек, халқаро тажрибалар асосида суицидларга доир хабарларни чиқаришни тартибга солувчи ҳукумат даражасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши керак.

REFERENCES

1. Всемирная организация здравоохранения. Превенция самоубийств. Руководство для специалистов средств массовой информации. Женева, 2000.
2. Средства массовой информации и права ребенка. Справочник для журналистов, составленный самими журналистами. Женева, 2005.
3. Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд: Пер. с франц. 2-е изд. М.: Мысль, 1994. - 399 с.
4. Ashton J.R., Donnan S. Suicide by burning as an epidemic phenomenon: An analysis of 82 deaths and inquests in England and Wales in 1978—9 // Psychological Medicine. 1981. Vol. 11, №4 P. 735-739.
5. Baker D., Fortune S. Understanding Self-Harm and Suicide Websites A Qualitative Interview Study of Young Adult Website Users // Crisis: The Journal of Crisis Intervention and Suicide Prevention. 2008. Vol. 29, № 3. P. 118-122.
6. <https://www.lex.uz/docs/3333797>
7. <https://presscouncil.ru/teoriya-i-praktika>
8. https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%AD%D1%84%D1%84%D0%B5%D0%BA%D1%82_%D0%92%D0%B5%D1%80%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B0
9. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_310839/
10. https://www.unicef.org/kazakhstan/media/5986/file/2018_AMH_Premeeeting_Report_RUS.pdf
11. <https://www.bbc.com/russian/vert-earth-36897872>
12. https://www.gazeta.ru/science/2012/08/17_kz_4729429.shtml
13. <https://www.vesti.ru/nauka/article/1035960>